

68
A-15~

О. АБДУЛЛАЕВ

ҲИСОБЛАШ ТЕХНИКАСИ ХАЛҚ ХҮЖАЛИГИДА



„ФАН“

О. АБДУЛЛАЕВ

68
P-15

ҲИСОБЛАШ
ТЕХНИКАСИ
ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИДА

31128/2

о'н

УЗБЕКИСТОН ССР «ФАН» НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ - 1978

О. А б д у л л а е в. Ҳисоблаш техникаси халқ хўжалигида, Тошкент, Узбекистон ССР «Фан» нашриёти, 1978, 72 бет.

Асарда халқ хўжалигида қўлланилаётган замонавий ҳисоблаш машиналари ва системаларининг роли, уларнинг қурилмалари, PL/I алгоритмик тил асослари, автоматлаштирилган бошқариш системаси ҳамда маълумотларнинг автоматлаштирилган банки ҳақида фикр юритилади.

Рисола кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир
иқтисод фанлари доктори, проф. М. ЭРМАТОВ

A 30502 — 762
355 (06) — 78 124 — 78

© Узбекистон ССР «Фан» нашриёти, Тошкент, 1978 й.

Ҳозирги замон кишиси фаолиятининг турли-туман соҳалари сирасида битта энг муҳим соҳа бор, у ҳам бўлса ташкилий бошқариш фаолиятидир. Саноат ва қишлоқ хўжалиги, транспорт ва алоқа, фан ва маданият, санъат, спорт, савдо-сотиқ буларнинг ҳаммасини ташкилий бошқаришсиз тасаввур этиб бўлмайди. Халқ хўжалигининг барча соҳалари ривожланган сари бошқариш усуллари ҳам такомиллашиб бормоқда. Бошқаришда техника тараққиётининг энг янги ютуқларидан—электрон ҳисоблаш машиналаридан (ЭҲМ) ва ҳисоблаш системаларидан фойдаланиш зарур бўлиб қолмоқда.

ЭҲМ нинг пайдо бўлганидан, то ҳозирги такомиллашган ЭҲМ лар яратилгунга қадар ўтган даврдаги ЭҲМ ларни тўртта авлодга бўлиш мумкин. Улар бир-бiriдан элемент базаси, конструктив-технологик, мантиқий тузилиши, математиковий таъминланиши, техниковий характеристикалари, фойдаланувчиларнинг ЭҲМ ни ишлата олиш даражаси билан фарқланади.

Машиналарнинг биринчи авлоди қаторига совет олимлари томонидан яратилган БЭСМ-1, БЭСМ-2, Стрела, М-3, Минск-1, Урал-1, Урал-2, М-20 ва бошқалар киради. Бу машиналарнинг ҳаммаси электрон лампалар асосида тузилган бўлиб, ўлчамлари катта, кўп қувват истеъмол қиласидан, суръат даражаси паст, хотира сифими кичик ва кам ишончли эди.

Машиналарнинг иккинчи авлодида лампалар ўрнида транзисторлардан фойдаланилди. Иккинчи авлодга тааллуқли машиналарнинг ўзига хос хусусияти уларни қўлланиши бўйича дифференцияланишидир.

Кейинчалик илмий-техниковий, иқтисодий масалаларни ечиш, ишлаб чиқариш процеслари ва турли объект-

ларни бошқариш учун машиналар яратилди. ЭХМ нинг иккинчи авлодига қуидаги машиналар киради: Минск-2, Раздан-3, М-220, БЭСМ-6, Мир, Наири, Минск-22, Минск-32, Урал-14 ва бошқалар. Бу машиналарда автоматлаштирилган программалашдан фойдаланилган.

ЭХМ нинг учинчи авлоди кўпчилик транзисторлар ва турли хил деталларнинг ўрнига интеграл схемалардан кенг кўламда фойдаланилиши билан характерланади.

Интеграл схемалар ишлатиш туфайли машиналарнинг техникавий ва эксплуатацияга доир характеристикаларини анча яхшилашга мувваффақ бўлиниди. Учинчи авлод машиналарда математикавий таъминот янада таомиллаштирилди, бу айниқса операцион системаларга тааллуқлидир.

Абонентлар пультлари автоматлаштирилган чекка киритиши-чиқариш қурилмалари билан таъминланган кўп программили машиналар операцион системаларнинг ривожланиши ЭХМ нинг ишини турли режимларда-маълумотларни пакет усулида ишлаш, вақтни тақсимлаш, савол-жавоб ва бошқа режимларда бошқаришга имкон беради.

Машиналарнинг тўртинчи авлоди 1970 йиллардан эътиборан такомиллаша бошлади. Уларда катта интеграл системалар (КИС) ёки кремний пластинкаларда тайёрланадиган системалар қўлланилади.

Ҳозирги вақтда кўплаб ишлаб чиқарилаётган ЭХМ учинчи авлод машиналари бўлиб, улар автоматлаштирилган бошқариш системаларида (АБС) кенг миёсда фойдаланимоқда.

Ҳозирги пайтда социалистик мамлакатлар билан ҳамкорликда қуидаги машиналар ишлаб чиқарилмоқда.

ЕС-1020 (Венгрия), ЕС-1021 (СССР, Болгария), ЕС-1021 (Чехословакия), ЕС-1030 (СССР, Польша), ЕС-1040 (ГДР), ЕС-1050 (СССР), ЕС-1060 (СССР).

АБСнинг яратилиши корхоналар, бирлашмалар ва саноатни бошқаришни илмий асосда ташкил этишининг ҳозирги энг муҳим масалаларидан биридир. Социалистик экономикада АБС дан фойдаланиш зарурати халқ хўжалигини планли-пропорционал равишда ривожлантириш қонуни талабларидан келиб чиқади ва улар қуидагилар:

— фан ва техниканинг кейинги ютуқлари асосида саноатда ўзгариш ясаш;

-социалистик ишлаб чиқариш ҳажми ва даражасининг кенг кўламда ортиши;

Маҳсулот сифатини ошириш ва ассортиментини кўпайтиришинг жадал суръатлари;

Ишлаб чиқаришни планлаштириш ва бошқаришнинг барча звеноларида ниҳоятда кўп илмий ва амалий тажрибалар тўпланганилиги билан аниқланади. АБС да кишининг бошқарувчи сифатидаги иши ЭХМ дан оптималь жавоб олишга йўналтирилган бўлиши керак; шу билан бирга бошқарувчининг ташаббускорлиги ҳам талаб қилинади.

Системани инсон яратади, такомиллаштиради ва у инсонларга хизмат қилиши керак.

Саноат ва халқ хўжалигини бошқаришда ЭХМ ларининг ишлатилиши меҳнатни бошқаришни ташкил этишининг янгича усулларини ишлаб чиқиши, бошқариш аппаратидаги ходимларнинг кўпроқ нарсаларни билишларини ва малакаларини ошириб боришларини талаб этади.


ҲИСОБЛАШ СИСТЕМАСИ

Массачуст технология институтида 1961 йилда ҳисоблаш системаси мавжуд эди. Бу системада IBM 7094 ЭХМ ларидан фойдаланилган бўлиб, улар машинадан узоқда жойлашган 30 га яқин фойдаланувчиларга хизмат қилиш кучига эга бўлган. Бу ҳисоблаш машиналаридан фойдаланиш соҳасидаги чинакам революциянинг бошланиши эди. Дарҳақиқат фойдаланувчилар учун беқиёс иш режими имкониятлари очилди, бу кейинчалик вақтнинг тақсимланиши деб ном олди. Фойдаланувчилар пультда туриб, ҳисоблаш марказидан узоқда бўлган ҳолда IBM 7094 каби қурдатли машиналардан фойдаланиши ва бунда ўзининг шахсан иштирокини ҳис этиши ўз даври учун ҳақиқий революция эди.

Умумий ишларга мўлжалланган ЭХМ ларнинг тузилиши бир-бирига ўхшаш, фақат улар реализация қилиш хусусиятлари ва характеристикалари билан ўзаро фарқ қиласди. 1-расмда кўрсатилганидек, бошқариш қурилмаси ва ишлов берувчи блоклар марказий процессорни ҳосил қиласди, у бошқаришни таъминлади ҳамда ЭХМ нинг асосий командаларини бажаради. Информация асосий оператив ва ташқи хотирада сақланади. Киритиш-чиқариш ёки ташқи қурилмаларга паст тезликли перфокартали ва киритиш қурилмаларидан тортиб, катта тезликли қурилмаларгача бўлган турли жиҳозлар киради. Ҳисоблаш системасида киритиш-чиқаришдаги барча операцияларни марказий процессорлар бажаришига қарамай, ишончли воситалар ҳам кўзда тутилади (улар киритиш-чиқариш маълумотларининг каналлари деб аталади), булар марказий процессорлар бўлишидан қатъи назар, маълумотларнинг асосий хотира билан ташқи қурилишлар орасида силжишини таъминлади.

Бу нарса маълумотларнинг процессорларда киритиш-чиқариш билан бир вақтда ишланишига имкон беради.

Хозирги вақтда иқтисодий информацияларни ишлаш учун ҳисоблаш системаси қўлланилди. ҲСнинг яратилиши тез ҳаракат қилувчи ва ҳисоблаш воситаларига бўлган талаб билан ЭХМнинг ҳозирги тараққиёт босқичида-



1-расм. Ҳисоблаш системанинг асосий қисмлари.

ги техникавий имкониятлари ўртасидаги қарама-қаршиликни ҳал қилишнинг энг реал йўлидир.

Ҳисоблаш системалари иккита умумий тенденция эволюциясининг мантиқий натижасидир. Бу тенденциялар ЭХМ яратишида модулавий конструкциялашга интилишда ва тузилиши турлича машиналарни параллел ташкил этишга интилишда намоён бўлади.

Биринчи тенденция машиналарнинг ишончлилиги ва қулайлиги ортиши, иккинчи тенденция эса машина иш унумининг кўтарилиши билан боғлиқ. Машина ёки системанинг қулайлиги дейилганда, унинг ўз ишини ишлатиш шароитлари ўзгаришига мувофиқ қайта мослаштириш қобилияти, ечиладиган масалаларнинг мавжудлиги, буларни ечиш учун буюртма потокларининг зичлиги ва

маълум даражадаги самарадорликни таъминлаши тушунилади. ҲСнинг қуалайлиги ҳисоблаш ишлари ҳажмини оператив равишда система элементлари орасида қайта тақсимлаш қобилияти билан таъминланади. ҲС қуалай бўлиши керак, чунки унинг ишлаш шаронитлари тўхтовсиз ўзгариб туриши мумкин. ҲС мураккаб системалар категориясига киради.

ҲСни *n* та машинадан иборат деб ҳисоблайлик. Даставвал ҲС билан ташқи дунё ўртасида информациялар қандай айирбошланишини кўриб чиқайлик. Бу айирбошланиши ташкил қилишнинг икки усули мавжуд бўлиши мумкин:

1. Айирбошлаш маҳсус ажратилган машина орқали содир бўлади.

2. Киритиш ва чиқариш системанинг шу ишларга ажратилдиган бир неча машиналари орқали содир бўлади.

Масалаларни ечишда ҲС нинг машиналари ўзаро ҳам бошқариш, ҳам функционал информациялар билан айирбошлашларни лозим. Буни ташкил қилишнинг турли усуллари мавжуд бўлиши мумкин.

ҲСнинг қўйидаги структуралари бўлиши мумкин.

1. Абсолют марказлаштирилган ҲС. Бунинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унда ихтисослаштирилган марказий машина бўлади, у бошқариш ва системада информаяцияларни айирбошлаш функцияларини бажаради.

2. Абсолют марказлаштирилмаган ҲС. Буларда бирорта марказлаштирилган бошқариш ва информаяцияларни тақсимлаш машиналари бўлмайди. ҲС нинг ҳар қайси машинаси масалаларни ечишда автоном тарзда ишлайди, ечиш процесси эса системанинг машиналари ўртасида маҳсус сигналлар йиғиндинини узатиш ҳисобига ташкил этилади.

3. Марказлаштирилган ҲС. Бунда битта маҳсус ажратилган машина бўлади ва у ё МБМ (марказий бошқарувчи машина)дан иборат бўлади, ё машиналарни битта ягона системага бирлаштириб, бошқариш функциясини бажаради.

4. Марказлаштирилмаган ҲС. Ушбу системада масалалар ечишни бошқарадиган аниқ белгилаб қўйилган ягона машина бўлмайди.

Ҳисоблаш системасининг тўртта иш режимини кўрсатиб ўтиш мумкин.

I режим. Бу режимда ҲС нинг бошқариш контурига унинг ёрдамида ҳал қилинган ҳамма программа киритилган бўлиб, у ҳамма вақт хотирада сақланади. Уни «савол-жавоб» типидаги режим деб атash мумкин.

II режим. ҲСнинг бу турида ҳар бир берилган моментда битта катта масала ечилади. Бунда системанинг ҳамма машиналари бу масаланинг айрим қисмларини ечади. Бундай режимда ишлайдиган ҲС ларни параллел типидаги системалар деб юритамиз.

III режим. ҲС нинг бу режимида бир вақтнинг ўзида мустақил масалалар группаси киритилиши ва ечилиши мумкин. Унинг ечиш натижалари фойдаланувчига одатда системанинг ўзи белгилаган тартибда узатилади. Бу режимда ишлайдиган ҲС ларни пакет типидаги системалар деб юритамиз.


IV режим. Бу режимда ҲС га масала киритиш ва натижаларни чиқариб олиш учун бир нечта пультлардан фойдаланилади. Ҳар қайси фойдаланувчи ўз пультида мустақил ишлайди. Уларнинг ҳар бирида гўё ҲС унинг масаласини ечаётгандек туйғу ҳосил бўлади, бунга система иш унумининг юқорилиги ва пульта ишлайдиган одамнинг иш тезлигининг кичиклиги ҳисобига эришилади. Шундай режимда ишлайдиган ҲС ларни вақтлари тақсимланган система деб юритамиз.

ЭҲМ ЛАРНИНГ СТРУКТУРАСИ

Автоматлаштирилган бошқариш системалари учун техникавий воситаларни такомиллаштириш борасида учинчи авлод — умумий системадаги ЭҲМ (ЕС ЭҲМ) ҳисоблаш машиналарини сериялаб ишлаб чиқаришни ташкил қилиш олға қўйилган янги принципиал қадам бўлди. Маълумки, учинчи авлод ҳисоблаш машиналари Болгария, Венгрия, ГДР, Польша, СССР ва Чехословакия олимлари, инженерлари ва ишчилари коллективларининг биргаликда олиб борган ишлари туфайли яратилди. ЕС ЭҲМ ларнинг биринчи моделларини саноат миёссида ишлаб чиқариш 1972 йилда бошланган эди. Ҳозирги вақтда ягона системадаги жуда кўп машиналар фойдаланишга топширилмоқда ва улардан фойдаланувчилар сони ҳам тез ўсиб бормоқда. Секундига бир неча ўн мингдан то ярим миллионгача операцияларни бажарадиган тезкор машиналар оиласига оид ягона система ЭҲМлари струк-

турасининг ўзига хос хусусиятлари, техникавий ва программавий воситаларининг характеристикалари ягона система моделларидан маълумотларни ишлашнинг турли автоматлаштирилган системаларини тузишда самара-ли фойдаланиш имкониятларини белгилайди.

Лойиҳалаш ишларидан амалга оширилган системанинг модулий конструкцияси моделларни реконструкциялаш,



2. расм. ЕС-ЭХМ блок-схемаси.

ҳисоблаш қувватини ошириш ва янги қурилмалар улашга имкон беради.

Бунда асосий моделлар программаларининг ўзига мос келиши туфайли программаларни қайта ишлаш талаб этилмайди.

Ягона система ЭХМларининг техникавий имкониятлари кўп машинали, кўп процессорли, маълумотларни телиешлаш ва колектив равишда фойдаланиш системаларини яратишга имкон беради. Бу система ЭХМларининг универсалигига исталган турдаги информацияларни ишлаш учун командаларни ҳар томонлама набор қилиш; электрон ҳисоблаш машиналари программасининг ўзаро мос тушиши; тузилишининг модулий принциплиги; алоқа ҳамда бошқариш ишларининг стандартлаштирилганлиги; тезкорлик даражаси ва функционал характеристикиси турлича бўлган қурилмалари номенклатурасининг

кўплиги; операцион система билан алоқа қиласидиган такомиллашган аппарат воситаларининг борлиги; математик таъминот системасининг мавжудлиги ҳисобига эришилади. Унинг юқори ишончлигига, габарити нисбатан кичиклигига эса ҳозирги микроэлектроний конструктив-технологик базадан фойдаланиш туфайли етишилади. Барча қурилмаларнинг электроний қисми монолит ва интеграл схемалардан кенг равишда фойдаланилган ҳолда тузилган.

Ягона система ЭХМларининг умумлаштирилган блок схемаси юқоридаги 2-расмда келтирилган.

Марказий процессор асосий ва тезкор хотираларни адреслаш, информацияларни танлаб олиш ва ёзиш, маълумотларни арифметик ва мантиқий ишлаш, командалар кетма-кетлигининг зарур тартибини таъминлаш, асосий хотира билан ташки қурилма орасида айрбошлишни ташкил этишга мўлжалланган.

Ҳозирги ҳисоблаш системаларининг командалар структураси

Ҳозирги ҳисоблаш системалари турли илмий, иқтисодий ва мураккаблик даражаси катта бўлган техникавий



3-расм. Байт.

масалаларни ечиш учун мўлжалланган. ЕС ЭХМ машиналари мисолида командалар структурасини қисқача кўриб чиқамиз. Учинчи авлод ҳозирги замон ЭХМ лари информацияларининг қўйидаги асосий формаларида ишлатилади.

1) Байт — саккизта информацион разрядлардан иборат информация бирлиги;

2) Ярим сўз — иккита кетма-кет жойлашган байтлар группаси:

3) Сўз — иккита кетма-кет жойлашган ярим сўз (ёки тўртта байт) группаси;

4) Кўшалоқ сўз — иккита кетма-кет жойлашган сўзлар (саккис байт) группаси.

Шунингдек, кўрсатиб ўтилган информация бирликларидан ташқари, булар ёрдамида белгиланган узунлик сўзининг умумий номини ўзлаштириш мумкин, байтлар сони уларга команда билан махсус таъкидлаб ўтилади.

ЭХМ да сақланадиган юқоридаги форматлар кўришидаги иккилик кодлар тубандагилардан иборатди:

а) четки ўнг разряддан кейин белгиланган вергулли бутун иккилик сон; четки ўнг разрядда алгебраик белги бўлади, манфий сонлар қўшимча кодлар билан ифодаланади;

б) ўзгарувчан вергулли иккилик сон; четки чап разряд алгебраик белгиларини кўрсатади; кейинги етти разряд тартибини, қолганлари эса соннинг мантисасини билдиради;

в) иккилик разрядларнинг набори сифатида интерпретиранадиган мантиқий кодлар ёки алфавит-раҳамали сўзлар;

г) яхлит ўнлик сонлар.

Ўзгармас ёки ўзгарувчан вергулли иккилик сонлар ўзгармас вергулли ярим сўз ё тўла сўз тарзида ҳамда ўзгарувчан вергулли сўз ёки қўшалоқ сўз тарзида ўзгармас узунликдаги форматларда берилиши мумкин. Ўнлик сонлар ўзгарувчан узунликдаги (1дан 16 байтгача) форматларда берилади. Мантиқий кодлар ўзгармас форматларда ҳам, узунлиги ўзгарувчан (1дан 256 байтгача) форматларда ҳам бўлиши мумкин. Командаларни бажаришда информация процессор регистрларида жойлашади. Процессор 16 универсал регистрга ва ўзгарувчан вергулли операндалар учун 4 регистрга эга бўлади.


Универсал регистр 32 разряд узунлигига teng бўлиб, аккумуляторнинг ва базавий регистрларнинг функцияларини бирга қўшиб бажаради.

Бу регистрда нисбий адреслашда базавий адрес сақланади, индексавий регистрнинг функциясини бажарганди командалар адрес кисмининг ортигаси сақланади ва регистрда сақланадиган адреслар устида командаларни индекслашда операциялар набори амалга оширилади.

Ўзгарувчан вергулли регистр 64 разряд узунлигига teng бўлади ва ўзгарувчан вергулли сонлар устида операциялар бажаришда аккумулятор вазифасини ўтайди.

ЕС ЭХМ ларда командаларнинг 4-расмда кўрсатилган асосий форматлари бўлади.

1. Формат RR (регистр—регистр). Бу форматда қисқа 16-разрядли командалар берилади, улар универсал



4-расм. ЕС-ЭХМ лардаги формат структураси.

регистрда сақланадиган адреслар устида операциялар бажаради.

Биринчи операнд — регистрдаги адрес бўлиб, унинг номери R_1 майдонида кўрсатилган, иккинчи операнд — регистрдаги адрес бўлиб унинг номери R_2 майдонида кўрсатилган. Операциялар натижаси одатда биринчи операнднинг ўрнида жойлаштирилади.

2. Формат RX (регистр—индексланадиган ячейка). Бу формат командалари 32 иккилик разрядни эгаллайди. Биринчи операнда R_1 да кўрсатилган универсал ре-

гистр, иккинчиси — асосий хотира ячейкаси. Ушбу ячейка адреслари құйидаги командаларда күрсатылған катталиклар билан аниқланади: X_2 индексі, B_2 базавий адрес ва силжиш D_2 . Операнд адреси ҳосил қылыш усули қуида көлтирилади.

3. Формат RS (регистр—хотира). Бу формат командалари ҳам 32 иккисінші разрядни әгаллады. R_1 биринчи операндни, B_2 , D_2 — иккінчи операндни, R_3 — үчинчи операндни аниқлады.

4. Формат SI (хотира — бевосита операнд). Командалар түрт байтни әгаллады. Асосий хотирада турган битта операнднинг адреси B_1 , D_1 майдонлар билан аниқланади, иккінчи операнд I_2 эса (бир байт узунликда) бевосита командағынг ўзида жоілашади.

Биринчи түртта форматнинг командалары ўзгармас узунликдаги маълумотлар устида операциялар бажара-да.

5. Формат SS (хотира — хотира).

Бу форматда командалар узунлиги учта ярим сүзга тенг бўлиб, ўзгарувчан узунликдаги сўзлар устида операциялар бажаришда қўлланилади.

Ҳар икката операнд асосий хотирага жоілашади. Еринчисининг адреси D_1 , B_1 нинг, иккінчисини эса D_2 , B_2 нинг майдонлари билан аниқланади. Шунингдек, операндларнинг узунлиги L_1 , L_2 лар ҳам командаларда күрсатылади. Операциялар натижасыда асосий хотирага биринчи операнда ёзилади.

Операнднинг асосий хотирада турган адреси умумий ҳолда учта компонентдан ташкил топади;

1) Базавий адрес B — универсал регистрлардан бирининг 24-кічик разрядига эга бўлиб, унинг номери B майдонида күрсатылади.

2) Индекс X — универсал регистрлардан бирининг 24-кічик разрядига эга бўлиб, унинг адреси X майдонида күрсатылади.

3) Силжиш D .


Ижро адреси бутун сон деб қараладиган B , X ва D ларни қўшиш йўли билан ҳосил қилинади. Асосий хотирада операнданы адреслаш B ва D компонентлар ҳамма-вақт командада, индекс X эса фақат RX форматининг командасида бўлади.

МАЪЛУМОТЛАРНИ ЭҲМ ГА ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ КОДЛАР

Ишлаб чиқиш учун ЭҲМ га киритиладиган ахборотлар ва ундан чиқариладиган натижалар ўнлик рақамлар ёки маҳсус белгилар ёрдамида тасвирланади. Аммо маълумотлар ЭҲМ ичидә ишланадиган пайтда бошқача ифодаланади. Бунинг учун маҳсус машина ёзувидан фойдаланилади.

Маълумотларни ЭҲМга етказиб бериш учун уларнинг тузилишига қараб турли типдаги кодлардан фойдаланиш мумкин. Бундан энг кўп қўлланиладиганлари иккиси, иккиси-кодланган ва ўнлик кодлар.

ЭҲМ кодларидан фойдаланиш



Маълумотларни ЭҲМга етказиб берувчи кодлар системаси абсолют ва позицион маънодаги тушунчалардан тузилади. Ҳисоблаш системасининг асосини абсолют маънодаги сонлар ёки ҳисоблашнинг мазкур системасида фойдаланиладиган турли хил рақамлар аниқлаб беради.

Ҳисоблашнинг баъзи системалари учун позицион маънолар ҳисоблаш системасининг асоси тарзида аниқланади. Бунда кўрсаткич даражаси позиция номерига тенг бўлади.

Ўнлик код

Ҳисоблашнинг ўнлик системасида 0 дан 9 гача бўлган ўнта турли хил рақамлардан фойдаланилади, унинг асоси эса 10-рақамиdir. Ўнта рақам ёрдамида каттали-

ти 10 дан ортиқ бўлган сонни ифодалаш учун сонларни ифодалашнинг позицион методидан фойдаланиш мумкин.

9 дан юқори бўлган сонларни ифодалаш учун позициянинг (разряднинг) чап томонига 1 рақами ёзилади, кейинги позицияга эса 0 дан 9 гача рақамни ёзиш мумкин. Бу икки позицияда рақамлар комбинацияси тугандан сўнг янада каттароқ рақамни ёзиш учун чап томондан қуидаги позиция қўшилади. Масалан, 182 рақамини ёзишда 1,8 ва 2 рақамлари кетма-кет тарзда ёзилади. Бу ёзув қуидаги тартибда бўлиши мумкин.
 $1 \cdot 10^2 + 8 \cdot 10^1 + 2 \cdot 10^0 = 182$.

Позицион ёзувда ҳақиқий маънони аниқлаш учун айрим позицияда ёзилган рақамлар 10 сонининг тегишли даражасига кўпайтирилиши кераклигини назарда тутиш керак.

Масалан, сонлар ўнлик вергул (нуқта)нинг ўнг томонида бўлиб, уч хонали (учта рақамдан иборат бўлса) ўнлик нуқтанинг ўнг томонидаги биринчи рақам 10^{-1} га, иккинчиси 10^{-2} га ва учинчиси 10^{-3} га кўпайтирилиши керак.

Иккилик код

Ҳисоблаш системасининг энг кенг тарқалганларидан бири — иккилик системасидир. Бу системанинг асоси 2 рақами бўлиб, айни пайтда бешлик системанинг асоси — 5 сони, саккизликнинг — 8 сони, ўнликники — 10 сони, ўн олтиликники — 16 сони бўлади. Иккилик системаини ўнлик система билан таққослаш мумкин, аммо унда фақат иккита рақамдан, 0 ва 1 дан фойдаланилади.

Шундай қилиб иккилик системасининг асоси 2 сони ҳисобланаб, унда фақат иккита рақамдан фойдаланилади.

Ўнлик системаси учун мисол тариқасида биз кўриб чиқсан 182 сони, иккилик системасида 10110110 кўринишида бўлади. Бу сон қуидагича ифодаланади.
 $1 \cdot 2^7 + 0 \cdot 2^6 + 1 \cdot 2^5 + 1 \cdot 2^4 + 0 \cdot 2^3 + 1 \cdot 2^2 + 1 \cdot 2^1 + 0 \cdot 2^0 = 182$
 $128 + 0 + 32 + 16 + 0 + 4 + 2 + 0 = 182$

Шундай қилиб 10110110 иккилик сони ўнлик системада 182 кўринишга эга.

1-жадвалда ҳисоблашнинг турли хил системалари кўрсатилган.

1-жадвал

Ўнлик	Саккизлик	Иккилик	Бешлик	Ўн олтилик
0	0	000	0	0
1	1	001	1	1
2	2	010	2	2
3	3	011	3	3
4	4	100	4	4
5	5	101	10	5
6	6	110	11	6
7	7	111	12	7
8	10	1000	13	8
9	11	1001	14	9
10	12	1010	20	
11	13	1011	21	A
12	14	1100	22	B
13	15	1101	23	C
14	16	1110	24	D
15	17	1111	30	E
16	20	10000	31	F

Иккилик системада қўшиш, айриш ва кўпайтириш қуидаги жадвал бўйича бажарилади.

$$0 + 0 = 0 \quad 0 - 0 = 0$$

$$1 + 0 = 1 \quad 1 - 0 = 1$$

$$0 + 1 = 1 \quad 1 - 1 = 0$$

$$1 + 1 = 10$$

$$0 \cdot 0 = 0 \quad 0 : 1 = 0$$

$$0 \cdot 1 = 0 \quad 1 : 1 = 1$$

$$1 \cdot 0 = 0$$

$$1 \cdot 1 = 1$$

Мисоллар

$$\begin{array}{r}
 + 100(4) & - 1010(10) \\
 + 10(2) & - 110(6) \\
 \hline
 110(6) & 100(4)
 \end{array}$$

$$\begin{array}{r}
 \times 1001(9) & - 11000(24) \quad | \quad 110(6) \\
 \times 11(3) & - 110 \quad | \quad 100(4) \\
 \hline
 1001 & 000 \\
 1001 \\
 \hline
 11011(27)
 \end{array}$$



Үн олтилик код

ЭҲМни жамлашда вужудга келадиган қийинчиликлардан бирни ноль ва бирларни узундан-узоқ кетма-кетликда идрок қилишининг зарурлигидир. Бу кишини жуда толиқтиради ва хатога йўл қўйишига олиб келади. Аммо бу жараёни битларнинг уччалик катта бўлмаган группаларини (3 ёки битлик сонларни) идрок қилиш учун қулай бўлган формада қайта кодлаштириш йўли билан соддалаштириш мумкин. Узундан-узоқ кетма-кетликларни узушлиги 3 бит бўлган группаларга тақсимласак, унда уларни саккизлик код (асоси 8 бўлган код) ёрдамида ёзиш мумкин. Бундан иккинчи авлоднинг кўпгина ЭҲМ ларида фойдаланилган. 8 битлик кодлардан фойдаланадиган учинчи авлод машиналарнида 4 битлик группалар билан операция ўтказиш, яъни 16 асосдан фойдаланиш қулайроқдир. Шу муносабат билан ҳисоблашнинг үн олтилик системаси электрон ҳисоблаш машиналари билан, айниқса ЕС—ЭҲМ лари билан жамлашга ёзувнинг стандарт формаси бўлиб қолди.

Үн олтилик системасининг асоси 16 сонидир, яъни сонларни ифодалаш учун 16 та турли символга эга бўлиш зарур. Үн олтилик код 0 дан 9 гача бўлган рақамларни ҳамда A дан F гача бўлган латин ҳарфларини ўз ичига олади. Буларга пастдан юқорига қараб ўсиб борадиган тарзда 0 дан 15 гача (0 дан 9 гача ва сўнгра A дан F гача) аломатлар ёзиб қўйилган (1-жадвал).

Үн олтилик қўшиш

Үн олтилик қўшиш ўнлик ва иккилик қўшишдаги қонун-қоидалар асосида бажарилади. Улардан фарқи шундан иборатки, бунда кўчириш (ўтказиш) қўшиш натижаси ўнлик маънодаги 15 дан юқори бўлгандагина пайдо бўлади. Бошқача қилиб айтганда, иккита рақам суммаси F дан ошиб кетса, ёнидаги катта разрядга кўчирилади. Үн олтилик қўшиш пайтида иккита рақам йиғиндиси жадвалдаги тегишли қатор ва устунларнинг кесишган жойида ёзилган жадвалдаги маълумотларнинг тузилишини яхшироқ тушуниб олиш учун қўйидаги мисолларни келтирамиз.

$$\begin{array}{r} + 94 \\ + 39 \\ \hline CD \end{array} \quad \begin{array}{r} + 674 \\ + 348 \\ \hline 9BC \end{array} \quad \begin{array}{r} + 48D \\ + 1EB \\ \hline 6A8 \end{array} \quad \begin{array}{r} + 7E86 \\ + D55D \\ \hline 153E3 \end{array}$$

Дастлабки икки мисол содда ҳисобланади, чунки уларда кўчириш йўқ. Шунинг билан бирга тегишли маълумотлар бевосита жадвалдан олинади. Учинчи мисолда эса D+E ни қўшиш билан 8 С ҳосил қилинади. Бунда 1-навбатдаги катта разрядга ўтказилган бўлади. Рақамларни қўшганда навбатдаги катта разрядда B+E=9 га эга бўламиз. Бунда ҳам 1-навбатдаги катта разрядга ўтказилади. Айни пайтда 1-кичкина разряддан A га рақамларни қўшганда эса навбатдаги катта раздрядда 4+1=5 ёки 5+1=6 га эга бўлинади. Худди шулардан охирги мисолда ҳам фойдаланамиз.

Үн олтилик кўпайтириш

Үн олтилик кўпайтириш ҳам худди ўнлик ва иккилик системалардаги кўпайтиришдагидек қонун-қоидалар асосида бажарилади.

Масалан:

$$\begin{array}{r} \times D84 \text{ (кўпаювчи)} \\ \times 4 \text{ (кўпайтма)} \\ \hline 10 \ 4 \times 4 \\ 20 \ 4 \times 8 \\ 34 \ 4 \times D \\ \hline 3610 \end{array}$$

$$\begin{array}{r} \times 9E6 \\ \times 3A \\ \hline 3C \\ 8C \\ 5A \\ \hline 12 \\ 2A \\ \hline \begin{array}{l} A \times 6 \\ A \times E \\ A \times 9 \end{array} \\ \hline \begin{array}{l} \text{қисман} \\ \text{натижалар} \end{array} \\ \hline \begin{array}{l} A \times 6 \\ A \times E \\ A \times 9 \end{array} \\ \hline \begin{array}{l} \text{қисман} \\ \text{натижалар} \end{array} \\ \hline \begin{array}{l} 3 \times 6 \\ 3 \times E \\ 3 \times 9 \end{array} \\ \hline \begin{array}{l} \text{қисман} \\ \text{натижалар} \end{array} \\ \hline \begin{array}{l} 3 \times 6 \\ 3 \times E \\ 3 \times 9 \end{array} \\ \hline \begin{array}{l} \text{қисман} \\ \text{натижалар} \end{array} \\ \hline \begin{array}{l} \text{кўпайтманинг} \\ \text{биринчи} \\ \text{камлари} \end{array} \\ \hline \begin{array}{l} \text{кўпайтманинг} \\ \text{иккинчи} \\ \text{камлари} \end{array} \\ \hline \begin{array}{l} \text{кўпайтманинг} \\ \text{иккинчи} \\ \text{камлари} \end{array} \\ \hline 23E1C \end{array}$$

Ҳар иккала мисолда ҳам кейинги қисман натижалар олдингисига нисбатан чапга томон битта разряд суринамиз.


лади. Улар ҳақидаги маълумот ўн олтилик кўпайтириш жадвалидаги кўпаювчи билан кўпайтманинг кесишган ўрнида жойлашган рақамлар билан белгиланади.

Қисман натижаларни қўшишда ўн олтилик қўшиш қоидаларидан фойдаланилиб, вужудга келадиган барча кўчиришлар иккинчи мисолда кўрсатилганидек, тегишли равиша разрядларнинг катталигига қараб аниқланади.

ПРОЦЕССОР

Программа билан берилган информацияларни ўзгартирадиган, ҳамма ҳисоблаш процессларини бошқардиган ҳамда ҳисоблаш системаси агрегатларининг ўзаро алоқасини амалга оширадиган қурилма процессор деб аталади.

Процессордаги бирлаштириш функционал воситаларининг асосий қисми ЕС—ЭҲМлари ҳар қайси моделлининг ядроси ҳисобланади. Процессорда арифметик ва мантиқий операцияларни бажариш, хотираға мурожаат қилиш, командаларнинг берилган кетма-кетликда бажарилишини бошқариш ҳамда оператив хотира билан киритиш-чиқариш системалари ўртасида айрбошлаш бошланишини ташкил қилиш воситалари тўплланган.



Процессор операцияларининг кўпчилиги маҳаллий хотира функциясини бажарувчи умумий мақсаддаги 16 регистр набори ёрдамида амалга оширилади. Регистрлар тўғри адресга эга бўлиб, улардан оператив адреслар ва индексларни сақлашда фойдаланиш мумкин. Регистрларнинг узунлиги бир сўздан иборатdir. Процессорларда қўзгалувчи вергулли регистр (улар тўртта ва ҳар бирининг узунлиги иккиланган сўзга teng), қўзгалувчи вергулли операцияни бажаришга восита мавжуд бўлиб, операндни сақлашга хизмат қиласди.

Командаларни танлаш ва бажариш процессорда табиий изчилликда бўлиб ўтади. Улар жорий адрес аниқлайдиган хотира ячейкасидан олинади, сўнгра бу адрес командадаги миқдорига teng сон бирлигига ўтади. Навбатдаги команда бажарилгач, жараён такорланади. Шунингдек, уларни бажаришнинг кўрсатиб ўтилган тартиби ўтиш командаси ёрдамида ўзгартирилиши мумкин.

Ишчи программалар командасини бажарилишининг табиий изчиллиги ҳам узиш шартлари пайдо бўлганда бузилиши мумкин. Бу эса машинага ўзидан ташқарида маълум шароитлар пайдо бўлганда система қурилмаларида киритиш-чиқариш ёки процессорда ўз ҳолатини ўзгартириш имконини беради.

Узиш системаси программа бошқарувчиси оператор ва ҳисоблаш машинаси ўртасида кенг ўзаро таъсир бўлишини таъминлайди.

Узиш системаси унинг пайдо бўлиш шартларига кўра 5 синфа бўлинади:

- киритиш-чиқарувчи узиш;
- программага мувофиқ узиш;
- бошқарувчи программага мурожаат қилгандаги узиш;
- ташқаридан узиш;
- контрол схемасидан узиш.

Узилган программанинг ишлов бериш процессини тиклаш учун хизмат кўрсатиш якунлангандан сўнг пайдо бўлган узилиш, программа ҳақидаги барча ахборот, процессорнинг исх режими, шунингдек маска ва узилиш кодлари программанинг сўз ҳолатида қайд қилинади (ПСХ). ПСХ нинг майдони динамик ўзгариши, яъни унинг программаси учун йўл очиқ бўлиб, бошқа май-

әннелар эса фақат программа бошқарувчиси томонидан ўзгартырилиши мүмкін.

Бошқарыш қурилмаси хотирадан танлаш ва командаларни бажариш учун сигналларнинг зарурий функционал изчилигини ишлаб чиқади.

ЗАМОНАВИЙ ЭҲМ ЛАРНИНГ ХОТИРЛАШ ҚУРИЛМАЛАРИ

Хотирлаш қурилмалари марказий процессорнинг таркибий қисми бўлиб, улар маълумотларнинг кўчишини жуда юқори тезлик билан таъминлаши керак. Замонавий ЭҲМларда хотирлаш қурилмаларининг турли типлари қўлланади. Ҳозирги вақтда мавжуд бўлган магнит ўзаклар, юпқа магнит плёнкалар ва катта интеграл схемалар микросекунд ва ноносекунд диапозонларда ишлайди. Шунингдек, тузилаётган янги хотирлаш қурилмалари (ХҚ) микросекунд диапазонида ишлашлари мүмкін ва улар маълумотларнинг процессорларда ишланиб чиқиш тезлигининг ошишини янада енгиллаشتариради. Бироқ хотирлаш қурилмасининг ҳар қандай типидан қатъи назар элементар ахборот элтувчиликлар иккилик рақам — 0 ёки 1 нинг сақланишини таъминловчи дискрет ёки интеграл элементлар ёрдамида бажарилган икки турғун ҳолатга эга бўлган хотирлаш элементлари қўлланади. Шундай ҳар бир элемент учун унинг ҳолатини бошқаришнинг оддийлаштирилишига, белгиланган ҳолатнинг узоқ муддат сақланишига, ҳолатни аниqlаш имкониятига, уларнинг дастлабки ҳолатга қайтиш имкониятига йўл қўйиши керак.

Хотирлаш қурилмалари ўта оператив, оператив, доимий, буфер ва ташқи хотирлаш қурилмаларига бўлинади.

Ҳозирда ферритавий ўзакли, магнит барабанли, дискли, лентали хотирлаш қурилмалари ҳамда юпқа магнит плёнкали ва интеграл схемали хотирлаш қурилмалари кенг қўлланмоқда.

Ферритавий ўзакли хотирлаш қурилмалари


Ҳозирги вақтда ферритавий ўзакли оператив ХҚ нинг турли принципда ишловчи 2; 2,5 ва 3 ўлчамли типлари қўлланниб, буларга мувофиқ 2D, 2,5D, 3D ва (D —

иинглизча dimension — ўлчаш сўзининг биринчи ҳарфи), символлар билан белгиланади.

2D нинг структураси чизиқли ёки Z типли, 3D структура — матрицавий оператив хотирлаш қурилмаси дейилади.

Магнитли оператив ХҚ нинг асосий элементи сифатида тўғри бурчакли гитерезис ҳалқали магнит элемент қўлланади, бундай ўзаклар осон магнитланади ва қолдиқ магнитизмни деярли чекланмаган узоқ муддатларда сақлаб қолади.

Ўзак орқали ўтувчи симдан етарли миқдорда ток ўтганда ўзак магнитланади. Токнинг бундай йўналишида ўзакнинг магнитланганлик ҳолати аниқланди.



5-расм. ЭҲМ хотирловчи қурилмаси.

Ток йўналишини, ўзакнинг магнитланганлик ҳолатини ўзгартириш ўзакда иккита ҳолат «ҳа» ёки «йўқ», «о» ёки «1» мавжудлигини кўрсатиши мүмкун.

Ҳар бир ўзакдан бир-бирига тўғри бурчак шаклида ўтувчи икки сим ўтади (5-расм). Шунингдек, бу симлардан ўзакни магнитлаш учун зарур бўлган ток ўтадиган вақтда, фақат икки сим кесиши масида бўлган ўзакгина магнитланади, яримтоклар эса қолган ўзакларга таъсир қилмайди.

Езилган ахборотларни ўқиш учун учинчи сим қўлланилади. Бундан жуда кам миқдордаги ток ўтади, у электрик импульс ўзакдаги магнитланганлик йўналишини ўзгартирган вақтда индукцияланади.

Үзак иккى йўналишнинг қай бирида магнитланганини (мусбат ёки манфий) индукцияланаётган токнинг қутблилигига кўра аниқлаш мумкин. Ахборот ўзакдан унинг магнитланганилик йўналишини ўзгартириш орқали ҳисобланаётганда, бу ўзакнинг бошланғич мусбат ёки манфий ҳолатини ўзгартирадиган таъсир унда сақланадиган ахборотни парчалайди. Бу жараёи парчалаб ҳисоблаш дейилади ва у реализация қилинаётганда ноллар 1 га ўзгаради.

ХҚ тез ишлаши ҳамда ишончлилиги билан бошқаларидан фарқ қиласди.

ХҚ ни қуриш учун қўлланиладиган ферритавий ҳалқанинг гистерезис япрофининг тўғри бурчакли коэффициенти катта бўлишилиги, юқори сифатли ферритавий ўзакларин танлаш лозимлиги ва матрицани тайёрлаш қийинлиги унинг камчилиги ҳисобланади.

Магнит дискларидағи ХҚ

Магнит диск ферритавий ферромагнит қопламали, ферромагнит дискининг ҳар иккала сатҳига берилади, думалоқ, алюмин пластиникадир. Конструкциясига кўра магнит дисклар доимий ва алмашинувчи дискларга бўлинади. Доимий дискларнинг ҳажми катта бўлиб, жамлагичда доимий мустаҳкамлаб қўйилади ва асбоб составига кирувчи қилиб ҳисоблаш машинасининг процессоридан ахборот алмашишда фойдаланилади. Алмашинаидиган дискларнинг маҳкамланиши уларни тез алмаштириш ва бошқасини қўйишни таъминлади, шунинг учун алмашинаидиган дискдаги ахборот машина ташқарисида ҳам сақланиши мумкин. Алмашинаидиган дисклар пакетларга йиғилади. Пакет таркибиға олти ишчи диск киради, бирни ҳимоя қиласидиган иккинчиси секторли.

Дисклар пакетида 10 ишчи сатҳ бўлади, чунки пакет четларидаги дисклар битта ишчи сатҳга эга. ЕС—5051 дискларидаги дисклар битта ишчи сатҳга эга. ЕС—5051 доимий магнит дискларидаги жамғаргич бошқариш қурилмаси орқали уланади ва у дисклар блоки, ёзув такрорлаш магнит каллакли ричаглар блокидан иборат бўлади.

Жамғаргичнинг сифими — 100 мегабайт бўлиб, ёзиш ишчи сатҳларининг миқдори 64 га teng. Қурилмада

192 ишчи ва 4 ёрдамчи йўллар мавжуд, дисклар эса 200 айл/мин тезликда айланади. Ахборот йўлларга ихтиёрий узунликда массивлар билан жойлашади. Биргина зона 128 йўлни эгаллади, ёзиш сатҳида эса уч зона мавжуддир.

Магнит дискларнинг афзаллиги қўйидагилардан иборат. Биринчидан, улар тасодифий характердаги саволлар бўйича маълумотларни ҳисоблашда жуда кўл келади. Иккинчидан, катта сифимлилиги ва дисклар таъминлайдиган маълумот алмашишнинг юқори тезлиги, уларни кенг тарқалишига сабаб бўлади.

Магнит дискларнинг камчилиги эса тубандагичадир. Биринчидан, хотирадан фойдаланишда ревизия учун зарур бўлган маълумотларни йўқотилишига доир проблемалар туғилади. Иккинчидан, баъзи операцияларни тасодифий равишда бажариб бўлмайди.

Хозирги ЭҲМларда катта интеграл схемалар (КИС) бўйича қурилган ХҚ қўлланади. КИС ХҚси ёки монолит интеграл схемадаги ХҚ бир неча афзалликка эгадир. Ушбу асосда қурилган рақамли схемалар ва атроф муҳитдаги ўзгаришларга кам таъсирилилек шулар жумла сидандир. Ҳажмининг кичикилиги, юқори тезлиги ва анча арzonлиги КИСнинг муҳим афзаллигидир. Яъни ферритавий ХҚсидан фарқ қилиб, 1 бит интеграл монолит схемадаги хотира қиймати, хотира ҳажмига боғлиқ эмас. Бу хусусият ХҚ тайёрловчиларига хотирани кичик ҳажмдаги қурилмаларининг қимматлилигига боғлиқ йўқотишларсиз турли сифимлардаги хотиралар қуриш имконини беради. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, келгусида КИС ХҚ лари ферритавий ва бошқа ХҚ ларини сиқиб чиқара бошлайди.

КИРИТИШ-ЧИҚАРИШ ҚУРИЛМАСИ

Хозирги ҳисоблаш системалари информацияларни хотирада сақлаб қолиш, рўйхатдан ўтказиш, тасвирилаш, киритиш-чиқариш учун жуда кўп ва турли туман қурилмаларга эга.

Ҳисоблаш системаларининг киритиш қурилмаси сифатида қўйидаги тип қурилмалар ишлатилади: перфокарталардан тезкорлик билан санаш қурилмалари, қоғоз перфокарталардан ўқиш қурилмалари, магнитавий лентада, дискларда йиғгичлар, алоқа каналлари би-

лан ишлайдиган киритиш-чиқариш қурилма ҳамда терминаллари, оптиканый санагиличар, электрик нурый трубка қурилмаси, пультавий ёзув машиналари, шунингдек, овозли киритиш-чиқариш қурилмалари.

Бундан ташқари, маълумотларни системага киритиш учун ҳисоблаш машинаси пультидаги кнопкалардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Чиқариш қурилмаси сифатида перфокарталар учун перфораторлар ва қофоз перфоленталар, шунингдек, тезкор босиши қурилмаларидан фойдаланиш мумкин.

Бундан ташқари, чиқариш электрик импульслар тарзида амалга оширилиши мумкин, бу импульслардан бошқа ҳисоблаш машиналарини бошқаришда фойдаланилади.

Бу қурилмаларнинг тез ишлаши турлича: электрик ёзув машиналариники минимал, магнитавий дисклар билан ишлайдиган хотирловчи қурилманини эса максималdir.

Ҳисоблаш системалари чет жиҳозларининг ривожланиши ҳозирги ҳисоблаш техникаси олдига қатор проблемаларни қўйдилар, улардан энг асосийлари жиҳозлари ўзгариб турадиган ҳисоблаш системалари яратиш, чет жиҳозларнинг ҳам ўзаро, ҳам процессорга нисбатан параллел ишлашини таъминлаш, киритиш-чиқаришини программалаштиришни унификация қилиш зарурлиги, ҳисоблаш системасининг киритиш-чиқариш қурилмалирида юз бериб турадиган турли-туман ҳолатлардаги процессларни таъминлаш.

Ҳозирги ҳисоблаш техникаси бу проблемаларни киритиш-чиқаришни бошқариш учун маҳсус унификациялаштирилган қурилмалар ва улар ўртасида унификациялаштирилган алоқа системалари яратиш йўли билан ҳал қиласди.

IBM 360 фирмасининг 370 ва ЕС—ЭХМ лари системалари машиналарининг составига иккита асосий тип канал киради: мультиплекс ва селектор каналлари.

Мультиплекс канал бир вақтнинг ўзида параллел ишлайтган бир нечта чет қурилмаларга хизмат кўрсатишга имкон беради. Бу қурилмаларнинг ҳар қайси, чет қурилма информацийнинг навбатдаги порциясини қабул қилиб олишга ёки беришга тайёрлангандан кейингина, канал билан қисқа вақт давомида боғланади. Агар бир нечта чет қурилма навбатдаги алоқага тай-

ёрланиб, канал томонидан хизмат кўрсатилишини сўрасалар, у ҳолда канал булардан бирини айни система учун қабул қилинган приоритет қоидаларга мувофиқ, масалан қурилмаларнинг чиқиш магистрал каналларига уланиш тартибида мувофиқ танлайди. Алоқа сеансига тайёр қолган қурилмалар ўзига хизмат кўрсатилиш навбатини кутиб туради.

Мультиплекс канал асосан информацияларни йўқотмасдан хизмат кўрсатилишини кутиб туриш қобилиятига эга бўлган нисбатан секин ишлайдиган қурилмалар билан ишлашга мўлжалланган (2-жадвал).

2-жадвал

Ташқи қурилмаларнинг типлари	Ташқи қурилмаларнинг идентификатори	Ташқи қурилмаларнинг техникавий тезлиги	Маълумотларни канал орқали узатиш тезлиги, байт/сек
Перфокарта кириши	ЕС—6012	500 карт/мин	670—1340
Перфолента кириши	ЕС—6022	1500 соат/сек	1500
Перфокарта чиқиши	ЕС—7010	100 карт/мин	140—280
Перфокарта чиқиши	ЕС—7022	1500 карт/сек	150
Босиши қурилмаси	ЕС—7032	900 соат/сек	1920 гача
Ёзув машиникаси	ЕС—7070	30 белги/сек	10

Селектор каналдан, асосан, киритиш-чиқаришнинг тезкор қурилмаларини, масалан, магнитавий лентадаги ва магнитавий дискдаги йигичларни бошқаришда фойдаланилади.

Бундан ташқари, селектор каналлар киритиш-чиқаришнинг секин ишлайдиган қурилмаларини ҳам бошқариши мумкин, аммо уларнинг устун иш режими киритиш-чиқаришнинг тезкор қурилмалари билан ишлашда анча самаралироқдир. Устун режимда ишлаганда киритиш-чиқаришнинг битта қурилмаси каналнинг ҳамма воситаларини тўла эгаллайди ва уларни узатилаётган маълумотларнинг энг охирги сегментига хизмат кўрсатилмаганлигига қадар бўшатмайди.

Процессорнинг ўтказиши қобилиятидаги ортиб кетмаслик шарти бажарилгандагина ҳамма каналлар бир вақтнинг ўзида ишлаши мумкин.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
Ҳисоблаш системаси	6
ЭҲМ ларнинг структураси	9
Ҳозирги ҳисоблаш системаларининг командалар структураси	11
Процессор	20
Замонавий ЭҲМ ларнинг хотирлаш қурилмалари	22
Киритинчиқарни қурилмаси	25
PL/1 алгоритмик тил	28
Автоматлаштирилган бошқариш системалар (АБС)	47
Бошқарышдаги автоматлаштирилган маълумот банки	64

Абдуллаев О.

Ҳисоблаш техникаси халқ
хўжалигига. О. Абдуллаев. Т.,
«Фан», 1978, 72 б.

Абдуллаев О. Вычислительная
техника в народном хозяйстве.

33С+6Ф7

На узбекском языке

Алимджан Абдуллаев

ВЫЧИСЛИТЕЛЬНАЯ ТЕХНИКА В НАРОДНОМ ХОЗЯЙСТВЕ

Ўзбекистон ССР ФА илмий-оммабоп китоблар таҳрир ҳайъати
томонидан нашрга тасдиқланган

Муҳаррир Л. Эркинова
Техмуҳаррир Л. Тюрина
Корректор М. Қамбарова

ИБ № 454

Р08291. Теришга берили 30/I-78 й. Босншга рухсат этилди 21/IV-78 й. Формати 84×108¹/₃₂. Босмахона қўғози № 1. Босма л. 3,78. Қогоз л. 1,125. Ҳисобнашриёт л. 3,3. Нашриёт № 665. Тиражи 3000. Баҳоси 15 т.

Ўзбекистон «Фан» нашриётининг босмахонаси, Тошкент, Горький проспекти, 79.
Заказ 20.
Нашриёт адреси: Тошкент, Гоголь кўчаси, 70.